

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ТЕОНИМ КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЛИНГВО-ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Дилдор Эшмуратова Уроловна

Термиз давлат университети мустақил тадқиқотчиси
e-mail: Dildordildordildor1@gmail.com, +998915808483

Аннотация

Ушбу тезисда теоним компонентли фразеологизмларнинг прагматик хусусиятлари хусусида сўз боради. Тезисда Ҳ.Гелберт томонидан ёзилган Қирол Артур асарида кўплаб учрайдиган теоним компонентли фразеологик бирликлар таҳлили амалга оширилган.

Калит сўзлар: God, evel powers (spirits), pray, архийепископ, Лорд, Масих,

Кириш(Introduction): Теонимларни асарлар ёрдамида тадқиқи масалалари жуда катта аҳамият касб этадиган муаммоли масалалардан хисобланиб, таржимадаги икки ноқардош тил урф-одатлари ҳамда расм-русмлардаги тафоввотлар асосий муаммоларни келтириб чиқаради. Шунга қарамай линвокорпусимизда бу борада арзирли тадқиқотлар амалга оширилган. Теонимларни турли асарлар таҳлили мисолида кўриб чиқанимизда никронимларнинг (муқаддас жой номлари) Ҳ.Гелберт томонидан ёзилган Қирол Артур асарида кўплаб учратдик.

Жой номлари: Church (fair church, Paul's church, Holly church); cemetery(gravemounts);cathedral(lolly place);

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Киши нимлари билан боғлиқ теоним сўзлари ёки бирикмалар (улар орқали ифодаланган фразеологизмлар): priest ёки prestess-руҳоний; archbishops –архийепископ (archbishops of London - Лондин архиепископлари, улар оларда черковнинг энг юқори табақа бошқарувчилари саналишади); bishops - манастрдаги кичик роҳиб бўлиб, баъзида бишоплар ҳам деб аталади.

Оллоҳнинг номини билдирувчи Лорд сўзини оддий шахс ўрнида қўлланилиши: Lord-the great lord and barons шаклида ишлатилиб буюк лордлар ҳамда баронлар демакдир. Christ яъни Масих сўзинининг ўз маъносида ишларилиши: Chist-Christ shall die out of this fair land- Масих шу гўзал маконда оламни тарк этади. Одатда ушбу ибора яхши инсонларнинг охри ҳам гўзал якун топиши билан ҳам ҳарактерланади;[1.18]

Оллоҳнинг номларининг турли фразеологик birlikлар билан ишлариши: God so wills -Оллоҳ шуни хоҳлайди; God's hand is drawing - Фақатгина оллоҳнинг қўлидан келадиган, угина амалга ошира оладиган (одатда унинг қудратлилиги назарда тутилган); Finish your prayer to God (to pray to God) – сиғинишингни якунла); God's book - Оллоҳнинг китоби (одатда Қуръони Карим, Инжил, Забур каби муқаддас китоблар назарда тутилади); God shall decide - Оллоҳ қарор қабул қилади (Оллоҳнинг энг буюк қарор қабул қилувчи эканлигига ишора қилинган);[1.16,19,23] God's will - Оллоҳнинг хоҳиши; high Heaven hath –Ҳукумдор (само ҳукмдори яъни оллоҳ). Масалан: I think high Heaven hath chosen this way of showing young man is rightfull king of us all - Менимча бутун олам ҳукмдори танлаган бу ёш ҳаққоний қиролни ҳаммамизга;[1.24].

Илоҳий тилаклар: Grave a book of you - Сиздан неъмат тилайман (одатда оллоҳдан ёки Буюк ҳукмдордан сўраш); God blessing!-Оллоҳ ёр бўлсин!

Ёвузликни билдирувчи сўзлар: evel powers – ёвуз кучлар (юқорироқда берилган маълумотларда evel spirits – ёвуз руҳлар бирикмаси келтирилган) [1.19,23]. Кўриб турганингиздек Christ яъни Маъсих сўзи мавқей жихатдан юқорироқ ўринда турганлиги сабали асарда уни ўз ўрнида ишлатилганлигини гувоҳи бўлдик. Лорд ва бошқа сўзлар маълум бир гуруҳ ёки кишиларни ифодалаб келмоқда.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations). Бундай мисоллар қаторини яна кўплаб давом эттиришимиз мумкин. Тадқиқотчи М.Галиева диний мифологик концепсиянинг матн воситасида воқеланишидаги ўзига хослигини тушунтириб, концептлар структурасини қуйдагича ёритган:

1)турли трансформацияларга учраши ва янги маъно ҳамда ассоциацияларга ега бўлиши ҳисобига бойиб бориши;

2)ўзининг систем маъноларини йўқотиши ва эмоционал баҳо йўналишини ўзгартирган ҳолда қарама-қарши маънога ега бўлиши мумкин. Масалан, Heaven (жаннат) концепти маънавий, эстетик, эмотионал характердаги ижобий тавсифларга эга бўлса-да, Дж. Мильтон асари контекстида қуллик, истибдод, зулм сингарилари билан ассотсиатцияланувчи салбий белгиларни акс эттирувчи мутлақ қарама-қарши маъно касб этган. Масалан: tyranny of Heaven; highwill whom weresist; allruling Heaven; monarchin Heaven; forcedhalle lujahs; state of splendid vassalage, vassal sof hisanger. Analogik tarzda inson ongida faqat salbiy belgilar bilan assotsiatsiyalanuvchi Hell kontsepti Dj. Mil'ton asarida erkinlik va mustaqillik tushunchalarini voqelantirgan holda ijobiy baho kasb etganligini (shall be free; may reign secure; free and non eaccountable; hard liberty) ta'kidlagan.

АДАБИЁТЛАР

- 1) Н. Gilbert. King Arthur. The saalfirld pub.Co. Chicago.1925.
- 2) Акбарова. М. <https://islom.uz/maqola/3443>.